

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

**ЯНГИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛАЁТГАН ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА
ТУМАНЛАРАРО (ТУМАНЛАР) СУДЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ,
ШУНИНГДЕК УМУМИЙ ЮРИСДИКЦИЯ ТУМАНЛАРАРО, ТУМАНЛАР
(ШАҲАРЛАР) СУДЛАРИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИКА БАЗАСИНИ
МУСТАҲКАМЛАШ ТЎҒРИСИДА**

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-сон, 696-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Туман ва шаҳар умумий юрисдикция судлари фаолиятини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 4 октябрдаги ПФ-4570-сон [Фармони](#)ни бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Фуқаролик ишлари бўйича 12 та туманлараро (туманлар) судлари кўшимча равишда ташкил этилганлиги, янгидан ташкил этилаётган фуқаролик ишлари бўйича туманлараро (туманлар) судларини таъминлаш ҳамда фаолият кўрсатаётган, иш ҳажмлари энг кўп бўлган туманлараро (шаҳар) судлари ходимлари сонини кўпайтириш учун фуқаролик ишлари бўйича судлар судьяларининг сони 71 нафарга кўпайтирилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда янгидан ташкил этилаётган фуқаролик ишлари бўйича судларни [1-иловага](#) мувофиқ жойлаштириш ва фаолият кўрсатишга тайёрлаш чора-тадбирларини кўрсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий суд ҳамда Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси билан биргаликда [2-иловага](#) мувофиқ жадвал бўйича умумий юрисдикция туманлараро, туманлар (шаҳарлар) судларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашни, уларни замонавий ахборот-коммуникация воситалари ва тизимлари билан жиҳозлашни таъминласин.

4. Ушбу қарорни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Судларни ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга оширилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Н.Т. Йўлдошев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2013 йил 25 декабрь,
342-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 декабрдаги 342-сонли [қарорига](#)
1-ИЛОВА

**Янгидан ташкил этилаётган фуқаролик ишлари бўйича судларни жойлаштириш ва
фаолият кўрсатишга тайёрлаш**

ЖАДВАЛИ

Т/р	Вилоятларнинг номи	Янгидан ташкил этилаётган суднинг номи	Жойлашган жойи	Янгидан ташкил этилаётган судларни жойлаштириш, фаолият кўрсатишга тайёрлаш чора-тадбирлари
1.	Бухоро вилояти	Пешку туманлараро суди	Пешку тумани, Янги бозор кўчаси	Жиноят ишлари бўйича суд худудига жойлаштириш (қўшимча корпус куриш)
2.	Жиззах вилояти	Ғаллаорол туманлараро суди	Ғаллаорол тумани марказида	Ҳокимлик томонидан қурилиш учун ер участкаси ажратиш
		Фориш туман суди	Фориш тумани марказида	Адлия бошқармаси балансидаги бинога жойлаштириш
3.	Қашқадарё вилояти	Касби туманлараро суди	Яккабоғ тумани, Э.Хўжантаев кўчаси	Жиноят ишлари бўйича суд биносига жойлаштириш
		Яккабоғ туманлараро суди	Манғит шаҳри, Янгиобод кўчаси	Жиноят ишлари бўйича суд биносига жойлаштириш
4.	Қорақалпоғистон Республикаси	Амударё туман суди	Манғит шаҳри, Янгиобод кўчаси	Жиноий ишлар бўйича суд биносига жойлаштириш
5.	Навоий вилояти	Учкудук туман суди	Учкудук шаҳри, Наврўз кўчаси	Жиноят ишлари бўйича суд биносига жойлаштириш
6.	Самарқанд вилояти	Пайариқ туманлараро суди	Пайариқ тумани, Пайариқ 50 йиллиги кўчаси	Суд ижрочилари биносига жойлаштириш
		Нуробод туман суди	Нуробод тумани марказида	Жиноят ишлари бўйича суд худудига жойлаштириш (қўшимча корпус куриш)
7.	Сурхондарё вилояти	Бойсун туман суди	Бойсун тумани марказида	Ҳокимлик томонидан қурилиш учун ер участкаси ажратиш

8.	Тошкент вилояти	Юқори Чирчиқ туманлараро суди	Юқори Чирчиқ тумани марказида	Ҳокимлик томонидан бино ажратиш
		Қуйи Чирчиқ туманлараро суди	Қуйи Чирчиқ тумани марказида	Ҳокимлик томонидан бино ажратиш

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 декабрдаги 342-сонли [қарорига](#)
2-ИЛОВА

Умумий юрисдикция туманлараро, туманлар (шаҳарлар) судларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий ахборот-коммуникация воситалари ва тизимлари билан жиҳозлаш

ЖАДВАЛИ

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддатлари	Бажариш учун масъуллар
I. Янгидан ташкил этилаётган фуқаролик ишлари бўйича судларни моддий-техника базаси билан жиҳозлаш			
(автомашиналар, компьютерлар, нусха кўчириш қурилмалари, кондиционерлар, телефон аппаратлари, факслар, идора мебеллари, металл шкафлар, стеллажлар сотиб олиш)			
1.	Жиззах вилоятидаги фуқаролик ишлари бўйича Фориш туман суди. Самарқанд вилоятидаги фуқаролик ишлари бўйича Пайариқ туманлараро суди. Қашқадарё вилоятидаги фуқаролик ишлари бўйича Касби туманлараро суди. Тошкент вилоятидаги фуқаролик ишлари бўйича Қуйи Чирчиқ туманлараро суди.	2014 йил март	Адлия вазирлиги, Олий суд
2.	Сурхондарё вилоятидаги фуқаролик ишлари бўйича Бойсун туман суди. Тошкент вилоятидаги фуқаролик ишлари бўйича Юқори Чирчиқ туманлараро суди.	2014 йил июнь	Адлия вазирлиги, Олий суд
3.	Бухоро вилоятидаги фуқаролик ишлари бўйича Пешку туманлараро суди.	2014 йил сентябрь	Адлия вазирлиги, Олий суд

	Қашқадарё вилоятидаги фуқаролик ишлари бўйича Яккабоғ туманлараро суди. Самарқанд вилоятидаги фуқаролик ишлари бўйича Нуробод туман суди.		
4.	Қорақалпоғистон Республикасидаги фуқаролик ишлари бўйича Амударё туман суди. Жиззах вилоятидаги фуқаролик ишлари бўйича Ғаллаорол туманлараро суди. Навобий вилоятидаги фуқаролик ишлари бўйича Учқудук туман суди.	2014 йил декабрь	Адлия вазирлиги, Олий суд
II. Фаолият кўрсатаётган умумий юрисдикция судларининг моддий-техника базасини мустахкамлаш			
5.	Умумий юрисдикция судлари моддий-техника таъминотининг амалдаги ҳолатини ўрганиш.	2014 йил февраль	Адлия вазирлиги, Олий суд
6.	Умумий юрисдикция судларининг фойдаланиш муддати ўтган товар-моддий бойликларини рўйхатдан чиқариш чора-тадбирларини кўриш, шунингдек уларнинг эҳтиёжини аниқлаш.	2014 йил март	Адлия вазирлиги
7.	Зарур товар-моддий воситалар сотиб олиш суммаларини Судларни ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси харажатларининг манзилли дастурига ва сметасига киритиш.	2014 йил март	Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Судларни ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси
8.	Судларни ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари доирасида товар-моддий воситалар сотиб олиш. Товар-моддий бойликларни, тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартномаларни мажбурий тузган ҳолда, тегишли судлар раисларига топшириш.	2014 йил май — сентябрь	Адлия вазирлиги, Олий суд
III. Замонавий ахборот-коммуникация воситалари ва тизимлари билан жиҳозлаш			

9.	Умумий юрисдикция судлари биноларида локал ҳисоблаш тармоқлари (ЛХТ) қуриш бўйича техник топшириқни ишлаб чиқиш.	2013 йил декабрь	Олий суд, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси
10.	Умумий юрисдикция судлари биноларида ЛХТ қурилишини лойиҳалаш юзасидан тендер савдолари ўтказиш.	2014 йил февраль	Адлия вазирлиги
11.	Умумий юрисдикция судлари биноларида ЛХТ қурилишининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш. Лойиҳа бўйича экспертиза хулосасини олиш.	2014 йил июнь	Адлия вазирлиги
12.	Судларни ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси харажатлари дастури ва сметасига умумий юрисдикция судлари биноларида ЛХТ қурилишини молиялаштиришни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритиш.	2014 йил июнь	Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Судларни ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси
13.	Қурилиш-монтаж ишлари юзасидан тендер савдолари ўтказиш. Ғолиб билан шартномалар тузиш.	2014 йил август	Адлия вазирлиги
14.	Умумий юрисдикция судлари биноларида ЛХТ қуриш ишлари.	2014-2015 йиллар	Адлия вазирлиги, Тендер ғолиби